ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИНТЕГРАЛ ПЕДАГОГИК ИМКОНИЯТЛАРИ

З. Азимова

Мақолада олий таълим муассасаларида тарбиявий ишларнинг педагогик самарадорлигини интеграл баҳолаш воситасида талабалар жамоасидаги шахслараро муносабатларни маънавий-ахлоқий ривожлантириш имкониятлари борасида сўз боради.

Калит сўзлар: *талабаларнинг шахслараро муносабатлари, маънавий-ахлоқий муносабат, гуруҳдаги маънавий муҳит, маънавий-ахлоқий мулоқот майдони, интеграл баҳолаш.*

В данной статье речь идет о возможности духовно-нравственного развития межличностных отношений студентов средствами интегральной оценки педагогической эффективности воспитательных работы в высших учебных заведениях.

Ключевые слова: *межличностные отношения студентов, духовно-нравственные отношения, нравственный климат в группе, духовно-нравственное коммуникативное поле, интегральная оценка.*

In this article the possibility of spiritual and moral development of interpersonal relations among students by means of an integral evaluation of the pedagogical effectiveness of educational work in higher educational institutions were mentioned.

Key words: *interpersonal relations of students, spiritual and moral relations, moral climate in the group, spiritual and moral communicative field, integral evaluation.*

Замонавий педагогика ва психологияга оид адабиётларда «жамоа» тушунчаси икки маънода қўлланади. Биринчиси: жамоа деганда ҳар қандай ташкилот, инсонлар гуруҳи (корхонада, мактабда, талабалар гуруҳида) тушунилади; иккинчи: жамоа деганда юксак даражада ривожланган гуруҳ тушунилади. Талабалар жамоаси динамик тизим, унинг ўсиб бориши тарбияланувчилар ички дунёсида кечаётган ўзгаришлар билан изоҳланади.

Жамоаларда талабалараро муносабатлар мураккаб ўзгарувчан ва ўзаро боғланган тизимни ташкил этиб, уларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Расмий муносабатлар. Улар лавозим асосида пайдо бўлади, қонун билан белгиланади, низомлар, қоидалар ва бошқалар билан назорат қилинади.

2. Норасмий муносабатлар. Улар талабанинг талабага шахсий муносабати асосида юзага келиб, бу кишилар учун умумий тартибда қабул қилинган қонунлар ва меъёрлар, қатъий ўрнатилган талаблар ва қоидалар бўлмайди. Муносабатларнинг айнан шу тури бизнинг тадқиқотимиз предмети ҳисобланади.

3. Вертикал муносабатлар: Бу шахслараро алоқалар бўлиб, улар жамоа ичида расмий ёки норасмий лавозим поғонасида турли ўринни эгаллаган лидерлар ва жамоанинг бошқа аъзолари ўртасида шаклланиши мумкин.

4. Горизонтал муносабатлар: Бу жамоада бир хил расмий ёки норасмий ўринни эгаллаган аъзоларнинг талабалараро алоқаси. Бу таъриф бизнинг назаримизда аниқ эмас. Горизонтал алоқалар тушунчаси асоссиз чегараланган. Гуруҳда вертикал муносабатлар ҳам горизонтал муносабатлар ҳам бирдай мавжуд бўлиши мумкин.

5. Талабалараро амалий муносабатлар – улар талабаларнинг биргаликда ишлаши ёки шу сабабга боғлиқ ҳолда юзага келади.

6. Шахсий муносабатлар – бу бажараётган ишларидан қатъи назар талабалар ўртасидаги муносабат. Уларни вертикал ҳолатда ҳам, горизонтал ҳолатда ҳам тузиш мумкин. Ривожланган жамоада ўзаро муносабатларнинг шахсий ва амалий тизими шаклланадики, улар бир-бирини яхши тўлдириб, талабаларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришда турли даражада роль ўйнайди.

7. Талабалараро рационал муносабатлар. Уларнинг асосини талабаларнинг қай даражада бир-бирини билиши ва атрофдагиларнинг уларга нисбатан объектив баҳоси ташкил этади.

8. Эмоционал муносабатлар. Бу талабанинг талабага нисбатан шахсий, индивидуал қарашларига асосланган субъектив баҳосидир. Бу каби муносабатлар фақат ижобий ёки салбий эмоциялар билан боғлиқ ҳолда юзага келади; улар ҳар доим ҳам талаба ҳақида тўғри ва объектив маълумотларга асосланмайди.

9. Асосий фаолият заминига қурилган муносабатлар фаолият мазмунида акс этган муносабатлар деб аталади.

10. Фаолият мазмунида акс этган муносабатлар. Улар бу фаолият билан бевосита боғланмаган бў-

лади. Шуни ҳам эътиборда тутиш керакки, ривожланган талабалар жамоасининг биргаликдаги ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фаолият ва унинг ичида шаклланган қатнашчиларнинг мулоқоти ва ўзаро алоқалари ташкил этади.

Фикримизча, талабалар жамоасидаги муносабат турлари рўйхати мукаммал эмас. Унга муносабатлар тўпламидаги маънавий-ахлоқий тамойил киритилмаган. Ундан ташқари, гуруҳни бирлаштирувчи ғоявий асос акс эттирилмаган. Ўқиш – бу талабалар учун билим олишнинг индивидуал жараёни. Талабалар бир вақтда ишлашади, аммо камдан-кам бирга ишлашади. Машғулотларда талабаларнинг «биргаликдаги фаолияти», табиийки, ўқитувчига халал беради ва интизомни сақлаш учун бундай фаолиятга барҳам беради.

Бўш вақтдаги мулоқот эса ижтимоийлашув масаласини ҳал қилувчи биргаликдаги маънавий-ахлоқий фаолиятдир. Бу жараёнда маънавий ижтимоийлашувнинг педагогик воситаси сифатида шахс муносабатлари, уларнинг барча тур ва кўринишлари намоён бўлади. Ижтимоий муносабатлар табиати билан шахслараро муносабатлар табиати бир-биридан фарқ қилади, аммо, шунга қарамасдан, маънавият уларни боғловчи ҳалқа, асосдир. Шахслараро муносабатларни гуруҳдаги маънавий муҳитнинг омили сифатида олиб қараш мумкин.

Талабалар орасида миллий ғоямизнинг ижтимоий ҳамкорлик тамойилини жорий қилиш мақсадида маънавий-ахлоқий муносабатларни интеграл ўрганишнинг янги тадқиқот усулларини яратишга йўналтирилган изланишлар муҳим ўрин тутади. Бироқ талабаларнинг гуруҳдаги кундалик маънавий-ахлоқий муносабатларини ўрганиш муаммолари илмий тадқиқотлар доирасидан четда қолмоқда. Мавжуд методикалар илмий-тадқиқот йўналишида ишлар олиб боришни тақозо этади ва ҳозирги кунда талабалар жамоасининг ҳақиқий маънавий-ахлоқий ривожланганлик даражасини ўрганиш учун етарли эмас.

Бу борада анъанавий ёндашувларнинг педагогик таҳлили ҳам буни тасдиқлайди. Масалан, ижтимоий йўриқ(установка) бу - индивиднинг ўз ҳаёти давомида юзага келган вазиятларни, у ёки бу объект, воқеани (ижобий ёки салбий) баҳолашга олдиндан мойиллигининг барқарор яширин ҳолати тушунилиб, у прецептуал, эмоционал ва фикрлаш жараёнларига регулятив, динамик, уюштирувчи таъсир кўрсатади ҳамда мазкур объектнинг ушбу вазиятдаги (вербал, новербал) хатти-ҳаракатлари намоён бўлади.[1,125]

Ижтимоий йўриқнинг айнан эмоционал, маънавий-маърифий унсурлари бизнинг тадқиқотимиз марказини ташкил этади. Шу муносабат билан биз бошқа одамга нисбатан кечирилаётган ҳиссиётларни миқдорий баҳолаш зарур деб ҳисоблаймиз. Бу эса ҳар бир талабанинг жамоага, жамоанинг унга бўлган муносабатини ифодалаш имконини беради.

Инсонлар орасидаги муносабатларни ўлчашга биринчи бўлиб қўл урган олим америкалик тадқиқотчи Э.Богардус бўлган. У ўзининг «Ижтимоий масофалар» шкаласи туфайли фанда ном қозонди. «Ижтимоий масофа» деганда одамнинг бошқа ижтимоий гуруҳ вакилларига нисбатан қўллайдиган «кераклилик даражаси» тушунилади. Бу шкаладан америкалик фуқароларнинг турли этник гуруҳ вакилларига бўлган муносабатларини ўлчаш ва қиёслаш учун фойдаланилган. (D.P.Ausubel). Муайян ирққа нисбатан муносабатни ўлчаш учун Э.Богардус респондентга қаратилган битта ва ягона саволдан фойдаланган. У қуйидагича бўлган: «Мен муайян ирқ вакили билан»: Бир никоҳда яшашга; клубдош улфат бўлишга; бирмаҳалла, кўчада яшашга; бир корхонада ишлашга; бир мамлакатда яшашга; бирга туристик сафарга чиқишга розиман» [2.9]

Буни биринчидан, санаб ўтилган муносабат турларини бир саволга берилган жавобларнинг вариантлари, деб ҳисоблаш мумкин. Шу билан бирга бу мураккаб, ўзида эмпирик индикатор ёки альтернативалари ичида бўлган саволдир. Бу ўринда респондент бирданига бир нечта жавоб вариантларини танлайди. Иккинчидан, бу саволни номинал ўлчов даражасига ва иккита қийматга эга бўлган олтита эмпирик индикаторнинг йиғиндиси, деб ҳисоблаш мумкин. Зеро, у маънавий-ахлоқий муносабатлар масофасини ҳам миқдорий акс эттиради.

Талабалар гуруҳидаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганишда гуруҳ мураббийларига «Гуруҳдаги маънавий муҳит» тестидан фойдаланиш таклиф этилди. У мазмун жиҳатдан бир-бирига қарама-қарши бўлган яхши-ёмон каби фазилатлар ва уларнинг зидди бўлган антоним жуфтлик сўзлардан фойдаланишни кўзда тутади. Масалан, дўстлик-бегоналик, розилик-норозилик ва бошқалар. Баҳолаш учун ҳар бир белгининг ижобий-салбий даражасини ифодаловчи беш балли шкаладан фойдаланилади. Ҳар бир жуфт сўзлар бўйича ўртача баҳони чиқара бориб (ушбу сифатнинг барча баҳолари йиғиндисининг сўров ўтказилган талабалар сонига бўлинмасини) гуруҳдаги маънавий муҳит баҳосини йиғма жадвалда кўрсатиш мумкин. Бизнинг тадқиқотимизда «ижтимоий маънавий муҳит» деганда курсдошларнинг ўзаро маънавий-ахлоқий муносабатларидаги аҳиллик даражаси тушунилади. Тадқиқотимизда биз баллардан бутуннинг улушига ўтамиз, бу эса айрим гуруҳларни ушбу кўрсаткич бўйича ўзаро аниқроқ қиёслаш имконини беради.

Талабаларнинг гуруҳдаги ўзаро муносабатларини ҳам тўрт факторли (омилли) шкалаланган анкета ёрдамида ўрганиш мумкин. У гуруҳлардаги тўрт хил – ўзаро муносабатларни қуйидаги шкалалар бўйича аниқлаш ва миқдор жиҳатдан баҳолаш (сон

кўрсаткичлари кўринишида) учун мўлжалланган: ижтимоий масофа (ИМ), дўстлик (Д), альтруизм (А) ва масъулият (М). Маълумотларни қайта ишлаш ҳар бир хулоса бўйича кўрсаткичлар йиғиндисини топишни ва кўрсаткич шкалаларини баҳолаш мулоҳазаларининг умумий сонига нисбатан фоиз ҳисоблаб чиқишни тақозо этади. Олинган коэффициентларнинг мутаносиблиги гуруҳдаги ўзаро маънавий-ахлоқий муносабатлар турларининг мутаносиблигини кўрсатади: яхши, ўртача, салбий. Барча шкалалардаги маълумотлардан гуруҳдаги ўзаро маънавий-ахлоқий муносабатларнинг вербал тавсифини тузишда фойдаланилади.

Коммуникатив майдонда шахслараро муносабатлардаги ижобий ва салбий йўналишлар координаталар ўқи белгилари билан мувофиқликда жойлашади.Мисол тариқасида АДУ педагогика факультетининг 3-курсидаги «маънавий-ахлоқий мулоқат майдони»ни кўриб чиқамиз (1-диаграмма).



1-диаграмма. АДУ педагогика факультетининг 3-курсидаги «маънавий-ахлоқий мулоқот майдони»

Ушбу диаграмма талабалар маънавий-ахлоқий кўрсаткичларининг тегишли қиймати биринчи, иккинчи ва тўртинчи квадрантларда (соҳаларда) жойлашганлигини кўрсатади. Бу мана шу гуруҳда ўзаро салбий муносабатда бўлган талабалар йўқлигини билдиради. Айни вақтда талабаларнинг кўпчилиги ижобий мувофиқлик, аҳиллик соҳасида жойлашган. Айни вақтда мақом ва проекция мувофиқлиги диагоналидан кучли оғиш борлигини эътироф этган ҳолда биз бу гуруҳда яқин дўстлар сони озчиликни ташкил этишини кўришимиз мумкин.

Иккинчи квадрантда «ижобий иллюзиялар» нуқталари бўлиб, улар гуруҳдошлари билан ижобий муносабат кайфиятида бўлган, аммо уларни гуруҳдошлари рад этаётган иккита талабага мос тушади. Бундай ҳолатда талабаларга нисбатан шахсга йўналтирилган ёндашувга асосланган педагогик тузатиш (коррекция) зарур. Булар авваламбор ўз-ўзини тарбиялашни ташкил этиш иродавий нуқсонлар, қўрқув, уятчанлик, риёкорликка мойиллик ва бошқаларнинг олдини олишдан иборат.

Ижобий номувофиқлик соҳасидан жами тўрт киши ўрин олган. Бу талабаларнинг гуруҳдошлари билан муносабатларидаги қарама-қарши баҳолашдаги фарқда мавжуд. Улар ўзлари билан ижобий муносабатда бўлишни хоҳлаётган гуруҳдошлари билан мулоқотда салбий позицияда туриш кайфиятида. Ушбу талабаларга мураббийлар томонидан уларнинг ўзаро маънавий муносабатларини бир қадар дўстона томонга ўзгартиришга қаратилган ёрдам зарур. «Маънавий-ахлоқий мулоқот майдони»да учинчи квадратга тааллуқли бўлган нуқталар йўқ ва бундан келиб чиқадики, тадқиқот олиб борилаётган гуруҳда «бегоналик» даражасида турган талабалар йўқ.

Бунда бутун гуруҳ бўйича интеграл кўрсаткичлар алоҳида қизиқиш уйғотади, чунки улар ҳар хил гуруҳларни ўша ҳаммага маълум социометрик методларда мавжуд бўлмаган объектив сонли (миқдорий) кўрсаткичлар ёрдамида ўзаро қиёслашга имкон беради. Шундан келиб чиққан ҳолда турли олий таълим муассасалари академик гуруҳларидаги шахслараро маънавий-ахлоқий муносабатларни, аҳилликни ушбу кўрсаткич бўйича ўзаро объектив қиёслаш имконияти пайдо бўлади. Маънавий-маърифий ишларнинг педагогик самарадорлигини интеграл баҳолаш натижасида талабалар жамоасидаги шахслараро муносабатларни ҳамда тарбиявий вазифалар коррекциясининг педагогик мониторингини мунтазам равишда ва аниқ назорат қилиб бориш имкониятини беради.

Адабиётлар:

1.Солсо Р.Л. Современная западная социология. – М., 1998.С.125.
2. Bogardus E.S. Measuring social distance // J. of applied sociology. 1925. Yol. 9.

Андижон давлат университети,
2017 йил 15 ноябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Т.Ҳасанов)